

АДОЛАТ ЭНГ УСТУВОР
ТАМОЙИЛГА
АЙЛАНСИН, ДЕСАК...

2

УФСДАГИ АСР ЖАНГИ
ЁҲУД ҲАБИБ ҲАМ
ЮТҚАЗАДИМИ?

6

МАЪНАВИЯТ
УЛУҒЛАНГАН
ЙИЛЛАР ЭДИ...

7

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 24 октябрь, шанба. №96 (2871).



2021 йил – ҚОЗОҒИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Миллий жамоат ишонч кенгашининг тўртинчи йиғилишида 2021 йилни Мустақилликнинг 30 йиллиги деб эълон қилди.

“Миллий жамоатчилик ишонч кенгашининг IV йиғилишида мен 2021 йилни Мустақилликнинг 30 йиллиги деб эълон қилиш тўғрисида қароримни эълон қилдим. Бу ўтмишимизни ўрганиш учун яхши имконият. Юбилей сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, рақамлаштириш, болалар ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш доирасида ўтказилади», – деб ёзди Президент Twitter саҳифасида.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида ўтган Миллий жамоатчилик ишонч кенгаши тўртинчи йиғилишида кўтарилган долзарб масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат сиёсатининг турли йўналишларини ислоҳ қилиш бўйича янги таклифлар киритилди.

ПРЕЗИДЕНТ
ҚАСИМ-ЖЎМАРТ
ТЎҚАЕВ ТУРКИСТОН
ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ
ЎМИРЗАҚ ШЎКЕЕВНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ – УСТУВОР ТАМОЙИЛ



Давлат раҳбари вилоятнинг жорий йил 9 ойидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юзасидан ҳокимнинг ҳисоботини тинглади.

Минтақа раҳбарининг сўзларига кўра, вилоятда иқтисодий ўсиш 105 фоизни ташкил қилди. Саноат ва қишлоқ хўжалик соҳаларида ҳам ижобий силжиш кузатилди. Минтақага жалб этилган сармоя оқими ўтган йилга нисбатан 66 фоизга, қурилиш суръати 65 фоизга ошди.

Ўмирзақ Шўкеев агросаноат соҳасида амалга оширилаётган истиқболли

лойиҳалар, шу жумладан, ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилгани ҳақида маълумот берди.

Президент Мақтаарал туманида сув омборидаги офат туфайли юз берган фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш юзасидан берилган топшириқлари ижроси тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлди. Ҳоким берган маълумотларга кўра, Мирзакент қишлоғида

386та янги уй фойдаланишга берилган, уларнинг ярми бюджет ҳисобидан, қолгани – ҳомийлар маблағи эвазига барпо этилган.

Учрашув натижалари бўйича Давлат раҳбари Туркистон вилояти ҳокими фаолиятига ижобий баҳо берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев вилоят раҳбарига минтақадаги эпидемиологик вазиятни муттасил назорат қилиб туришни ва сайлов мавсумида қонунларга қатъий амал қилишни топширди.

Akorda.kz.

• Бугун – Бирлашган миллатлар ташкилоти куни



ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – Ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида, 1945 йил 24 октябрда фашизм устидан ғалаба қозонган мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида тузилган энг йирик халқаро ташкилот.

75 йиллигини нишонлаётган БМТ Низомида кўрсатилгандек, у халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенгҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши қондасига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришни, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этишда халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таъминлашни кўзда тутиб, шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади.

Айни маҳалда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар “Бар-

ча давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришни таъминлаш учун зарур бўлган тинчлик, адолат ва фаровонликнинг муҳим аҳамияти ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳурмат қилиниши ва уларнинг ялпи аҳамиятини тан олиш” мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

БМТ Низоми барча давлатлар риоя этиши шарт бўлган ягона халқаро ҳужжатдир.

Қозоғистон Республикаси БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида нуфузли халқаро ташкилотнинг мақсад ва қоидаларига қатъий амал қилиб келмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясида Қозоғистон

Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини ҳал этиш йўл-йўриғи дунё миқёсидаги муаммолар билан бирга қўшиб, очиб берилди. Қозоғистоннинг кенг кўламли ҳамкорликка оид ҳамма таклифларида уни БМТ фаолияти ва мазкур ташкилотнинг ихтисослашган муассасалари орқали амалга ошириш тамойиллари илова қилинди.

БМТ инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, кенгайтириш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган оламдаги ягона ташкилот сифатида дунёнинг “умужаҳон парламенти” сифатида календарнинг маълум бир кунини инсоният учун, халқ учун, умумжаҳмиат учун зарур масалаларга бағишланган. Қозоғистон БМТ тузилмалари билан яқин ҳамкорликни давом эттиради.

up.org сайти
материаллари асосида.

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ: ШИМОЛИЙ ҲУДУДЛАРГА КЎЧУВЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЁРДАМ ПУЛИ 2 БАРАВАР ОШИРИЛАДИ

Ички миграцияни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора сифатида шимолий ҳудудларга кўчувчиларга бериладиган ёрдам пулини 2 баравар ошириш керак. Бу ҳақда Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Миллий жамоатчилик ишонч кенгашининг 4-йиғилишида маълум қилди.

– Мамлакатда миграция жараёнларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш зарур. Бу, биринчи навбатда, фуқароларни мамлакат жанубидан шимолга кўчиришга тааллуқли. Ушбу масала бир неча бор Миллий кенгашида кўтарилган. Уни ҳар томонлама ҳал қилиш учун, аввало, электрон меҳнат биржаси асосида ягона ахборот захирасини яратиш зарур, – деди Президент.

Қозоғистон Президенти яқинда Шимолий Қозоғистон вилоятига амалий ташриф билан борганини таъкидлади.

– Гарчи бу вилоят аҳоли сони энг секин ўсаётган ҳудудлардан бири бўлса-да, мигрантларни жалб қилишда яхши натижаларни кўрсатди. Вилоятда кўчиб келувчилар учун уйлар қурилмоқда. Шу билан бирга, коммунал инфратузилма турли ижтимоий объектларни ривожлантирмоқда ва такомиллаштирмоқда. Мигрантлар учун қўшимча рағбат сифатида, улар учун имтиёزلар миқдорини икки баравар – ойлик ҳисоб кўрсаткичининг 35 бараваридан 70 бараваригача кўпайтириш керак, деб ўйлайман. Мен ҳукуматга ушбу масалани ўрганишни ва бир ой ичида қарор қабул қилишни топшираман», – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Akorda.kz.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади



Туркистон вилоятида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият тузилмаларининг барча қатламларида коррупция омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Минтақада амалпарастлик тўсиқларни бартараф этиш ва “яширин иқтисодиёт”ни камайтириш чораларини кучайтириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилаётган қалдирғоч лойиҳалар самарали бўлмоқда.

АДОЛАТ ЭНГ УСТУВОР ТАМОЙИЛГА АЙЛАНСИН, ДЕСАК...

Бу масала вилоят ҳокими Ў. Шўкеев раислигида ўтган Уюшган жиноятчиликка қарши кураш комиссияси мажлисида муҳокама қилинди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, туман, шаҳар ҳокимлари онлайн тартибда иштирок этишди.

Мажлисида уюшган жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини тубдан ошириш, иллатнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишга қаратилган ислохотлар лойиҳалари намойиш этилиб, ўтган 9 ойда соҳада амалга оширилган масалалар кўрилди.

«Туркистон – адолат майдони» лойиҳаси доирасида туман ва шаҳар ҳокимлари фаолияти янги шаклга ўтказилди. Аҳолига давлат хизматларини сифатли, тўсиқларсиз олиш имконини берадиган ва тезкор хизмат кўрсатадиган «сервис ҳокимлик»лар ташкил этилмоқда.

Минтақа раҳбари уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган

давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида барча хизмат кўрсатиш соҳалари мутасаддилари ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, шаффофлик тамойиллари асосида таъминлашлари зарурлигини уқтирди.

– Ҳалоллик ҳақида гапирётган одамнинг ўзи, биринчи навбатда ҳалол бўлиши шарт. Минтақамиз коррупция ботқоғига ботиб қолган, деган фикрдан фориғ бўлишимиз керак. Аксинча, биз уюшган жиноятчиликка оид иллатларни очишда пешқадамлик қиляпмиз. Бугунги кунда унга қарши курашда самарали натижаларга эришяпмиз. Уюшган жиноятчиликни камайтиришнинг самарали усулларида бири – хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида шаффофликни таъминлаш. Бу йўналишда ишларимизни йўлга қўйсақ, натижа кутилгандан зиёда бўлади, – деди минтақа раҳбари.

Тадбирда сўзга чиққан ҚР уюшган жиноятчиликка қарши кураш департаментининг Туркистон вилояти бўйича раҳбарининг ўрин-

босари М. Қарғабай 9 ойда давлат органларида ўтказилган тафтиш натижаларига тўхталди. Чунончи, фуқароларга уй-жой бериш рўйхатида қонунга зид равишда ўзгаришлар киритилгани, манзилли ижтимоий ёрдам тайинлашдаги қонунбузарликлар ҳақида айтиб ўтди.

Комиссия йиғилишида вилоят ички ишлар департаменти раҳбари Қ. Далбеков ўзи бошқараётган муассасанинг 9 ойда амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берди.

– Уюшган жиноятчиликка қарши курашда бизга Устозлар кенгаши, зобитлар ва хотин-қизлар кенгашлари катта ёрдам бермоқда, – деди у. – Лекин коррупцияни жиний-ҳуқуқий воситаларни қўллаш орқали енгиб бўлмади. Мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият, умуман олганда, барча масъул бўлиб, давлат органлари ва фуқаролар саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолдагина самарали натижаларга эришиш мумкин.

ЭЛИМ ДЕГАННИ ЮРТ АРДОҚЛАЙДИ

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Фармони билан Туркистон вилоятида коронавирус билан курашда ўзига хос “жанг майдони”да туриб, дастлабки зарбани қабул қилган ва алоҳида жонбозлик кўрсатган 33 нафар тиббиёт ходими «Халық алғысы» медали билан тақдирланди. Мукофотларни вилоят ҳокими ўринбосари Сакен Қалқаманов топширди.



– Ортимиз учун оғир дамларда, пандемия пайтида сизлар ўз бурчингизни шараф билан адо этдингиз, ҳар куни ҳақиқий қаҳрамонлар каби жасорат кўрсатиб, беморлар ҳаётини сақлаб қолдингиз. Кўпчилик сизларга ижтимоий тармоқлар орқали ташаккур изҳор қилмоқда. Шифокорларга бундай таъзим шакл-шубҳасиз ҳурмат-эҳтиром ва эътироф намунаси. Сизлар – давримизнинг ҳақиқий қаҳрамонисиз. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади – касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади, лекин охири бемор тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк

этолмайди. Минтақамизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлди. Фақат ҳамжиҳатликда барча қийинчиликларни енга оламиз, – деди ҳоким муовини.

33 нафар тиббиёт ходимидан бири – Ленгер шаҳар касалхонаси бош врачлари ўринбосари Шиндўс Абдухалиқов. У пандемия бошланган кундан бошлаб иш жойини тарк этмади, юқумли касалликлар бўлимига раҳбарлик қилди. Ўзи пневмония билан хасталаниб, ўпкасининг 80 фоизи шикастланди.

– Мени оғир аҳволда жонлан-

тириш бўлимига олиб келишди. Лекин афсусланмайман. Чунки, беморларни даволаш – бурчим. Уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун жонимни фидо қилишга ҳам тайёрман. Ғамхўрлик ва қўллов учун вилоят раҳбариятига миннатдорчилик билдираман, – деди у.

Таъкидлаш жоиз, тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракати ва жонбозлиги туфайли хавфли инфекцияни юқтирган 3340 бемор дарддан тўлиқ фориғ бўлди. Коронавируснинг дастлабки тўлқини даврида эпидемияга қарши кураш чораларига 6 мингдан зиёд тиббиёт ходими сафарбар этилган эди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТАЙИНЛАНДИ



Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимига Арман Сабитовни таъинлади.

Арман САБИТОВ 1984 йили Шимкент шаҳрида туғилган, олий маълумотли. Ал Форобий номидаги Қозоқ Миллий университети, Т. Рискулов номидаги Қозоқ иқтисодиёт университети аспирантурасини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, давлат аудитори.

Меҳнат фаолиятини “Азаматаудит” МЧБ аудиторлик ташкилотидан аудитори бўлган сифатида бошлаган. 2004-2011 йилларда аудиторнинг катта ёрдамчиси, менежер-лойиҳа бошқарувчиси, Алмати шаҳридаги вакиллик бошқарувчиси лавозимларида меҳнат қилди. 2011-2016 йилларда Алмати шаҳри бўйича Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлди. 2016 йилнинг декабрь ойидан ЖҚВ ҳокими девони раҳбарининг ўринбосари вазифасини бажарди. 2017-2019 йилларда Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон вилояти иқтисодиёт ва бюджетни режалаш бошқармасига раҳбарлик қилди.

2019 йилдан буён Президент Маъмуриятининг Давлат назорати ва ҳудудий-ташкilotчилик иши бўлимининг Давлат нозирини, Президент Маъмуриятининг Давлат нозирини хизматларини бажарди.

Вилоят фаоллари иштирокида ўтган мажлисида Ўмирзақ Шўкеев янги ўринбосарининг масъулиятли лавозимларда катта тажрибага эга эканлигини таъкидлаб, ишига муваффақият тилади.

Минтақа раҳбари Ў. Шўкеев шу кунгача ушбу лавозимда ишлаб келган, 40 йилдан буён турли лавозимларда фидокорона меҳнат қилган Жўлдимурат Ермаханули Аманбаевга миннатдорчилик билдириб, 63 ёши билан кутлади.

– Теран билим, тажрибангиз, ишбилармонлик қобилиятингиз сизни оддий ишчидан таниқли сиёсат арбоби, молия соҳасининг илғор ходими, вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимларига кўтарди. Мамлакатимизнинг янги пойтахти – Нур-Султан шаҳрининг янги қиёфа касб этиши ва гуллаб-яшнаши йўлида бирга ишлаганимиздан фахрланаман. Туркистон шаҳрининг тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшдингиз. Ватан тараққиёти ва Туркистоннинг ёрқин келажаги йўлида яна кўп тер тўкишингизга ишончим комил, – деди вилоят ҳокими.

Қозоғистонда 16 минг хориж фуқароси қонуний фаолият юритмоқда.

ЙЎЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР



Туркистон вилоятида ўтган йили 100та кўча ободонлаштирилган бўлса, жорий йилда ҳам 100та кўча янгиланади.

Минтақада туманлараро асосий йўллар тўқис ва жорий таъмирдан ўтказилди. Ўтган йили вилоятимизда республика аҳамиятига эга йўлларни таъмирлашга 51 млрд. тенге сарфланди. Ажратилган маблағга 716та иншоот, 1 минг 738 чақирим узун-

ликдаги йўл таъмирланган.

Қўшни Ўзбекистон билан чегарадош йўллар ҳам жорий йилда тузатилади. Шунингдек, қадим Туркистон шаҳрининг эскирган йўлларини янгилаш ишлари ҳам жорий йилда жадал суръатда олиб борилмоқда

2020 йили вилоят марказидаги кўчаларни таъмирлашга 6,1 млрд. тенге ажратилиб, соzланган кўчалар йил охиригача 50

фоизга етказилади. Ўтган йили 100та кўча ободонлаштирилган бўлса, жорий йилда яна 100та кўчада қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари йўллар бўйи кўкаламзорлаштирилиб, шаҳар атрофида “яшил белбоғ” барпо этилмоқда.

“Жанубий Қозғоғистон” мухбири.

ШАФФОФЛИК – ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН



Давлат хизматларини кўрсатишнинг марказлашуви аҳолига қулайликлар яратгани сир эмас. Авваллари ўнлаб идоралардан “қоғоз тўплаган” фуқаролар бугунги кунда ягона база асосидаги Аҳолига хизмат кўрсатиш марказларидан зарур далолатномаларни олиб кетмоқдалар.

Вилоятимизда жорий йилнинг ўзида Connection point орқали 1 миллиондан зиёд хизмат кўрсатилди.

Connection point – фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиши асосида давлат хизматидан фойдаланиш тизими. 200дан зиёд хизмат шу кўринишда амалга оширилиши мумкин. 33 жойдаги Аҳолига хизмат кўрсатиш марказларининг фаолияти қонқарли. Айрим техник нуқсонлар марказлаштирилган шаклда ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга, имконияти чекланган фуқароларга хизмат



кўрсатиш янада яхшиланмоқда. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига ижтимоий хизматларни хонадонда амалга ошириш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг 9 ойида аҳолининг ушбу қатламларига 5000дан зиёд хизмат кўрсатилди. Шунингдек, эшитиш ва сўзлашда қийналаётган ногиронларга хизмат кўрсатиш учун 89 мутахассис ишга олинган.

Махсус Аҳолига хизмат кўрсатиш марказларида жорий йилнинг 10 ойи мобайнида 175 мингдан зиёд хизмат кўрсатилди. Шу жумладан, 51 794 ҳайдовчи гувоҳнома олишга муваффақ бўлди.

“Жанубий Қозғоғистон” мухбири.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ СЕССИЯСИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

2020 йил 22 октябрь №14-Қ Туркистон шаҳри.

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЭЛЛИК УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

2001 йил 23 январдаги “Қозғоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозғоғистон Республикаси Қонунининг 10-модда 2-бандига мувофиқ, олтинчи чақирқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари эллик учинчи сессияси 2020 йил 30 октябрь куни соат 11.00да масофавий тартибда чақирилсин.

У. РАХИЕВ,
вилоят маслаҳати
сессиясининг раиси.

Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Қозғоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозғоғистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ҳамда Қозғоғистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 мартдаги 285-сонли Фармонига мувофиқ, Сизларга олтинчи чақирқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари эллик учинчи сессияси 2020 йил 30 октябрь куни соат 11.00да масофадан ўтишини маълум қиламан. Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар: Туркистон вилоят мас-

лаҳатининг 2019 йил 9 декабрдаги 44/472-VI сонли “2020-2022 йилларга мўлжалланган вилоят бюджет тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида; Туркистон вилоят маслаҳатининг 2019 йил 13 сентябрдаги 42/448-VI сонли “Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги жиноий жазолар ҳамда ўзга жиноий ҳуқуқий таъсир кўрсатиш тадбирларини бажарадиган муассасалар билан органлар фаолиятига кўмаклашиш, шунингдек, жиноий жазоларини ўтаган одамларга ижтимоий ҳамда бошқа қў-

мак уюштириш бўйича консалтациявий-маслаҳатчи органнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида; Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 12 декабрдаги 33/351-VI сонли “Туркистон вилояти аҳолиси бандлигини таъминлаш масалалари бўйича минтақавий комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида; Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 12 декабрдаги 33/352-VI сонли

“Туркистон вилояти ҳокимлиги қошидаги ногиронлар иши бўйича кенгашнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида; Туркистон вилояти бўйича тафтиш комиссиясининг аъзоси Б. Жақипов тўғрисида. Сессия муҳокамасига келиб тушган бошқа масалалар киритилиши мумкин.

Қ. БАЛАБИЕВ,
вилоят маслаҳати
котиби.

• Республика янгиликлари

Chevrolet Nexia

Қозғоғистонда ишлаб чиқарилган энг арзон автолар қаторига кирди

«ҚазАвтоПром» автомобилсозлик соҳасидаги корхоналар бирлашмаси жорий йилнинг 9 ойидаги автомобил бозоридаги нархлар тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди.

«Ҳисобот даврида қозғоғистонликлар 555,2 миллиард тенге 61 336 янги энгил ва энгил машиналарни сотиб олишди. Ушбу энгил машиналарнинг ўртача нархи 10,5 миллион тенгега етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўпдир. Шу муносабат билан Қозғоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда энг мақбул нарх ҳисобланади. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўртача қиймати тахминан 7,6 миллион тенгени ташкил этади. Импорт қилинган автомобиллар кўрсаткичи 13,8 миллион тенгени ташкил этди», – дейилади хабарда.

ҚОЗҒОҒИСТОН ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОРТТИРАДИ

Қозғоғистон электрокар саноатининг ҳолати ва ривожланиши, «Яшил иқтисодиёт» учун автомобиллар экологик марказини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида «Қозғоғистон автобизнес ҳамжамияти» ҳуқуқий шахслар ҳамжамияти президенти А.Лаврентьев ва JAC Motors бош директорининг ўринбосари Юй Ян, «Қозғоғистон саноат жамғармаси» бошқаруви раиси Н. Байбазаров ва «ИКМ Оператори» бош директори М. Қумарғалиев маълумот берди. 2021 йилда Қозғоғистон 1200 та ҳар хил электр транспорт воситаларини, шу жумладан, автобусларни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда ва 2022 йилда бу кўрсаткич 2000 донага ортади. Ушбу автомобиллар ички бозорга чиқарилади ва чет элга экспорт қилинади.

Бугунги кунда Нур-Султан шаҳрида электромобиллар учун 50 дан зиёд қувватлаш станциялари мавжуд. Ушбу рўйхат Миллий павильон ҳудудига ўрнатилган махсус зоналар билан тўлдирилди, улар бир вақтнинг ўзида 25та электромобилни қувватлантириш имконини беради.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Қозғоғистонга чет элдан учиб келганлар ПЗР-тест натижаларини 5-6 соат ичида олишади

22 октябрга ўтар кечаси Қозғоғистонга 10та халқаро рейс билан 1383 йўловчи келган. Шулардан 153 нафариди ПЗР тест сертификати бўлмаган. Бу ҳақда ҚР Транспорт вазирлигининг бош давлат санитария шифокори Садуақас Байғабиллов маълум қилди.

– Туркиядан Шимкент шаҳрига келган барча рейслар йўловчиларида COVID-19 вируси юқтирмаганлигини тасдиқловчи ПЗР сертификатлари бўлган. 10та халқаро рейс билан 1383та йўловчи келди. Шулардан 1230 киши ПЗР сертификатига эга, Қозғоғистоннинг 153 фуқароси ПЗР сертификатсиз учиб келган, – деди Садуақас Байғабиллов.

Унинг айтишича, Қозғоғистонга махсус сертификатсиз учиб келган Қозғоғистон фуқаролари ПЗР тест учун Нур-Султан ва Алматы шаҳарларидаги бепул карантин касалхоналарига ётқизилади.

– Карантиндаги Қозғоғистон фуқаролари ПЗР натижаларини 5-6 соат ўтгач олишади. ПЗР тести сертификати қоғозда ҳам, электрон тарзда ҳам (смартфонда) яроқли, – дея таъкидлади у.

Қозғоғистон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.



ҲАЁТГА АЙЛАНГАН ЭЗГУ НИЯТЛАР



Мамлакатимизнинг учинчи мегаполиси, Шимкент шаҳрининг кундан-кунга ободонлашиб, кўрамлашиб бораётгани сир эмас, албатта. Қад кўтараётган салобатли бинолар, барча соҳалардаги ютуқлар дилларга қувонч бағишлайди. Халқ ўтмишидан дарак берувчи миллий нақшлар вилоят аҳлининг ота мерос қадриятларини тиклаш, уларни қадрлашга ундайди. Кўчаларимиздаги жамоат транспорт воситаларини айтмайсизми? Барча қулайликларга эга, шинам, манзилнингизга зумда етказилади.

Юртимизнинг барча шаҳарларида бўлгани каби бугун Шимкентда ҳам фуқароларимизнинг муносиб турмуш кечирिशлари учун шароит яратиш, sanoat, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш тадбирлари изчил давом этмоқда. Замонавий шаҳарсозлик андазаларига мос кўркем уй-жойлар, таълим, тиббиёт муассасалари, болалар спорт иншоотлари, маданий-маиший бинолару кенг, равон йўллар, кўприклар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда.

Пандемия шароитида ҳам шаҳарда 200га яқин сервис ва хизмат кўрсатиш шоҳобчалари фаолият юритаётгани, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан тортиб, фармацевтика, озиқ-овқат ва энгил sanoat, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ривожланаётгани – юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, тотувлик, ҳамжиҳатлик мевасидир.



Жорий йилда Шимкент шаҳри МДХнинг маданий пойтахти мақомига эга бўлди. Шу муносабат билан мегаполисда янги режа, янги мақсадлар белгилашиб, кенг қамровли тадбирлар уюштирилмоқда.

МДХ давлатларида эса шаҳар тарихи билан қизиқувчи-



лар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, шаҳарда фахр билан тилга олишга арзиғулик ёдгорликлар етарли. Чунончи, Ўрта Осиё ҳудудида илк бор фармацевтика муассасаси – дармана дорисини тайёрлайдиган завод Шимкентда қад ростлаганди.

Шунингдек, Улуғ Ватан урушида ишлатилган 70 фоиз ўқдорилар Шимкент қўрғошинидан тайёрланган. Шимкентнинг 7 нафар жангчисига Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонининг берилиши ёш авлодга ибрат. Шунингдек, вилоят марказини кесиб ўтган

Кўчқор ота ўзани сувининг ўзгача хосияти борлигини мутахассислар ҳам алоҳида таъкидлашади. Энг асосийси, ўзан суви бугунги кунда шаҳарнинг маданий-тарихий, бебаҳо бойлигига айланган.

Шаҳарнинг энг қадимий маданий иншоотларидан бири – Шамши Қалдаяқов номидаги филармония 1956 йилдан бери маҳаллий санъат ихлосмандларининг суюкли маскани. Шимкент маданий ёдгорликларнинг кўплиги билан бошқа шаҳарлардан фарқ қилади. Чунончи, бу ерда энг баланд ҳайкал – Байдибекбий монументи жойлашган. Унинг бўйи 10 метр, таянч устунни билан ҳисоблаганда 23 метрни ташкил этади.

Сонсиз боблар макони Сайрам даҳаси ҳам мегаполис кўркига кўрк бағишламоқда. Авлиёлар мақбараларини зиёрат қилувчиларнинг сон-сано-

ғи йўқ.

Шунингдек, Мустақиллик хиёбонига келувчиларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. 2019 йилда Халқаро Ассамблея кенгаши давлат пойтахтлари ва йирик шаҳарлари орасида Шимкентни энг фаол шаҳар сифатида тан олган.

Шимкентликлар Абай хиёбонида жойлашган “Данқ” мемориалини алоҳида тилга оладилар. Унда Жануб минтақасидан УВУга отланган 140 мингдан зиёд жангчининг исми-шарифи ўйиб ёзилган. Шаҳарнинг ҳудуди 40 минг гектардан 117 минг гектаргача кенгайиб, Сайрам, Тўлебий ҳамда Ўрдабоши туманларидан қўшилган қатор аҳоли манзиллари шаҳар тасарруфига ўтказилди.

Бугунги кунда шаҳар ҳудудида халқаро аэропорт, темирйўл вокзали ҳамда бирқанча автовокзал аҳолига, йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатмоқда. Шимкент автомобиль йўллари узунлиги билан ажралиб туради. Яъни, шаҳарнинг ички йўлларининг умумий узунлиги 2135 чақиримни ташкил этади. Жами 1964та кўча бор.

Б. ЧИННИБЕКОВА.

ЖАСОРАТГА ТАЪЗИМ



Шимкентда коронавирусдан вафот этган тиббиёт ходимларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди

«Ўзгани кутқариш учун ўзини фидо қилганлар» акцияси доирасида пандемия пайтида вафот этган шифокорларнинг яқинларига кўрак нишонлари топширилди. Касаллик авж олган пайтда Туркистон вилоятида 32, Шимкентда 21 нафар шифокорлар ходими вафот этди. Улар орасида шифокорлар ва ҳамширалар, фаррошлар ва ҳайдовчилар ҳам бор.



«Жануб тиббиёт ходимлари ҳамжамияти» жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда марҳумларнинг қаҳрамонликлари тилга олиниб, бир дақиқали сукут сақланди. Руҳларига Қуръон бағишланди ва ёдгорлик лавҳасига гуллар қўйилди.

Учрашувда иштирок этган марҳумларнинг қариндошлари «Ҳаёт учун», «Олтин шифокор» ва «Меҳр» медаллари билан тақдирландилар.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

КУЧ – АДОЛАТДА!

«Адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака бўлади, одамларда меҳр-оқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади».

Шимкент шаҳар «Адолатли авлод» кўнгиллилар клубининг шиори.

Шимкент шаҳар Ёшлар имконият маркази ташаббуси билан «Адолатли авлод» кўнгиллилар клубининг навбатдаги учрашуви онлайн шаклда ўтди. Унда шаҳар «Кўнгиллилар клуби» аъзолари, фахрийлар ва бийлар кенгаши вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар ёш авлодга пухта таълим-тарбия бериш, маънавиятини юксалтириш, уларни зарарли мафкуравий таъсирлардан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Тадбирда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар, коллежлар битирувчилари учун иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини яратиш ҳамда маънавиятга эътибор масалалари ҳам тилга олинди.

Б. ДҮСМАТОВА.

● Обуначиларимиз орасида



«ТОШОНОҚ» МАКТАБИНИНГ ФАХРИ

Кентовга қарашли Чоға қишлоқ округидаги «Тошоноқ» ўрта мактаби директори Ўткир Қудратов билан суҳбатимиз мактаб тарихида илк бор аълочи ўқувчининг «Олтин белги»га сазовор бўлгани ҳақидаги хушxabардан бошланди.

– Бу янгилик мактабимиз жамоасининг масофадан ўқитиш жараёнида ҳам масъулият чўққисини забт этганининг ифодасидир. Барча устозлар, фан бирлашмаларининг муштарак меҳнати маъсули бу, – деди директор.

Ўткир Қудратов, шунингдек, ўринбосари Дилфуза Ёқубова бошчилигида бошқа нашрлар қаторида «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига ҳам обуна рисоладагидек бўлишига ишонч билдирди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Ў. Қудратов ва Д. Ёқубова.

Муаллиф тасвири.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Пенсия ёшига яқинлашиб қолдим. Қайси ҳолатларда фуқаро пенсияга эртароқ чиқа олади?

Г. ЖАМОЛОВА,
Тўлебий тумани.

Мамлакатимизда пенсия ёши эркаклар учун 63, аёллар учун – 59,5 ёш деб белгиланган. Бироқ, айрим фуқаролар ушбу муддатдан эртароқ нафақадорлик гаштини суришлари мумкин.

Аёллар учун:

Бугунги кунда аёлларнинг нафақага чиқиш ёши ўзгаргани маълум. Илгари 58 ёш бўлса, 2018 йилда қонун ўзгариб, 10 йил мобайнида (2018-2027й.й.) ҳар йили пенсия ёшига 6 ойдан қўшиб борилади.

2027 йилда эркаклар учун белгиланган 63 ёшга етганда, бу тартиб тўхтайд.

Лекин 5 ва ундан зиёд фарзанд туққан ёки боқиб олиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар – 53 ёшда;

1949 йил 29 августдан 1963 йил 5 июлгача камида 5 йил давомиди Семей ядро полигонининг хавфли радиация ҳудудларида яшаган аёллар – 45 ёшда, деб белгиланган.

Шунингдек, ишсиз онанинг ёш болаларни парвариш қилганлиги учун пенсия тайинлашдаги иш стажы бўйича имтиёз ҳам мавжуд.

Аммо ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунга қадар, жами 12 йил ичида.

Пенсия аннуитетини расмийлаштирган ЯПЖ омонатчилари ҳам 8 йил олдин пенсияга чиқишлари мумкин.

Бу йўл билан пенсияга эртароқ чиқмоқчи бўлган эркаклар учун – 55 ёш, аёлларга – 51,5 ёш.

Сугурта компанияси билан шартнома тузиш ва муддатидан аввал нафақага чиқиш учун жамғармага муайян миқдорда пул ўтказилиши керак. 55 ёшдаги эркак кишининг нафақа ҳисобида камида 10875485 тенге, аёлларга – 14891719 тенге керак.

Омонатчининг ёши улугроқ бўлса, нафақага чиқиши учун камроқ маблағ керак, шу боис 55 ёшида маблағи етарли бўлмаса, бироз кейинроқ нафақага чиқиши мумкин.

Пенсия аннуитетига эркак-аёлларга 50 ёшда ҳам нафақа гаштини суриш имконини беради.

50 ёшли эркак киши учун бу камида 12 286 888 тенге, 50 ёшли аёл учун эса 15 209 332 тенгени ташкил этади.

Зарарли соҳаларда камида 5 йил ишлаганларга нафақага эртароқ чиқиш ҳуқуқи берилади, фақат иш берувчи нафақа жамғармасига камида 5 йил тўловни муддатида, бекаму-кўст ўтказиб турган бўлиши шарт.

Айрим маълумотлар egov.kzдан олинди.

Н. МАВЛОНОВА.

Суҳбатдошим – Кентов шаҳрининг Қорачиқ қишлоқ округидаги «Турон» ўрта мактаби директори, доимий обуначимиз Аҳмадjon Аҳмедов.

– Аҳмадjon ака, мактаб жамоаси фаол иштирок этган Қорачиқ қишлоғининг 2000 йиллик таваллуд тўйига қўшган ҳиссангиз, таассуротлар қандай?

– Ушбу тадбирда мактабимиз жамоаси, устозлари, собиқ битирувчилари иштирок этди. Ўша даврдаги қишлоқ ҳокими Фурқат Ирисқул ўғли билан тадбирга тайёргарлик борасида маслаҳатлашганимиз ёдимда. Шогирдим Нодир Аҳмедов ҳомилик ёрдами кўрсатди. Шаҳар маслаҳати депутати, тадбиркор Ҳабибулла Азимов қишлоғимиз этнотарихий музейини қуриб берган бўлса, собиқ битирувчимиз, тадбиркор Абдулла Исмагуллаев уни жиҳозлар билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатди. Биз ҳам мактаб музейига экспонатлар билан холис кўмак бердик. Хуллас, ҳамжиҳатлик билан ушбу ажойиб анжуманни рисоладагидек ўтказдик.

Нафақадаги устоз Фозил Абдураҳмонов билан меҳнат ўқитувчиси Шукрулло Рўзиметовлар музейини қуришда фаол ёрдам кўрсатишди. Тадбирда ўқитувчиларимиз ва ўқувчиларимиз ёрдамида Ҳосил байрами ва ярмарка ташкил этилди. Китоблар муаллифи, шоир Аширмат Толипов шеърига басталанган қўшиқни хушовоз хонанда Одил Азизбеков ижро этди. Кўплаб ҳамқишлоқларимни, турли масканларда яшайдиган зиёлилар-

«ТУРОН» МАКТАБИ – ИЛҒОРЛАР САФИДА



ни кўриб, суҳбатлашининг ўзи қандай мароқли.

– Ёш авлодга қишлоқ тарихини ўргатиш масаласида фикрингиз...

– Албатта, Туркия, Қозоғистон, Ўзбекистон олимлари Туркистондаги «Ҳазрат Султон» қўриқхона-музеи археологлари билан бирга Хожа Аҳмад Ясавийнинг Қорачиқда туғилган суюкли невараси Сузук ота ҳақидаги тарихий маълумотларни илмий хулосалар билан далилланишининг ўзи мозийдан садо бериб турибди. Сузук ота тарихи билан боғлиқ тарихий масканлар бунёд этилса, зиёратчилар сони ортади.

– Келаси йили Ҳазрат Алишер Навоийнинг 580 йиллиги, Амир Темурнинг 685 йиллиги тадбирларига мушоиралар ташкил этиш тадориғи бор. Уларда қатнашадиган иштирокчилар борми?

– Албатта. Мактабимизда шеъриятга ошно устоз ва ўқувчиларимиз талайгина.

– Қизиқарли ва мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: А. Аҳмедов кутубхона ходимлари Зиёвуддин Ёқубов ва Солиҳа Юнусовалар билан.

Муаллиф тасвири.

Вилоят Минтақавий коммуникациялар хизмати хабар қилади

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЙИЛҚИ БОҚМОҚДА

Келеслик Ермек Алимқулов «Еңбек» давлат дастури доирасида хусусий тадбиркорликка қўл урди. У қишлоқ хўжалигини моддий таъминлаш жамғармаси орқали 2,4 млн. тенге насия олиб, 6 бош йилқи сотиб олди.

Бугунги кунда йилқи сонини кўпайтириб, бўрдоқчилик билан шуғулланмоқда.

Умуман, Келес туманида йил бошидан буён 58 тадбиркорнинг лойиҳаси маъқулланиб, унинг 32таси молиялаштирилди. Лекин жорий йилда пандемия сабаб ушбу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан пасайгани кузатилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган лойиҳалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик соҳасига оид.

ҲУНАР – ҲУНАРДАН УНАР

Туркистон шаҳрида ҚР Маданият ва спорт вазирлиги қошидаги «Kazakh Tourism» МК ташаббуси билан минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Тадбирни очган вилоят сайёҳлик бошқармаси раҳбари



Гулмира Ахбердиева ҳунармандчилик соҳасини ва тадбиркорларнинг эсдалик совғалари ишлаб чиқариш бизнес-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масаласига тўхтади. Шунингдек, тадбир давомиди «Aigul line» бренди асосчиси Айгул Жансерикова «Qazaq-Open» ҳунармандчилик марказининг иш тажрибасини ўртоқлашди. Тадбирда миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича янги йўналишларини амалга ошириш таклиф қилинди.

ЁЛҒИЗ ОНАГА БОШПАНА СОВҒА ҚИЛИШДИ

Келес туманидаги Қозоғистон қишлоғида мактабни 2003 йили тугатган битирувчилар ёлғиз онага бошпана совға қилишди.

Беш фарзанднинг онаси Қ. Салимбаева бир неча йилдан

буён уйсиз юрган эди. У саховатпеша инсонлар – 33-сонли «Жуантўбе» умумий ўрта мактабининг битирувчиларига миннатдорчилик билдирди.

Бундан ташқари, мазкур таълим муассасасининг битирувчилари маблағ тўплаб, қишлоқ марказий масжидини таъмирлашди.

ҲАЛОЛ ҒЎШТГА ТАЛАБ ЮҚОРИ

Кентов шаҳрининг Ясси қишлоғидаги «Сулаймон ота» деҳқон хўжалиги кунига 500 кг. парранда ғўштини сотувга чиқаради.

Истеъмолчилар орасида катта талабга эга бўлган парҳез ғўштни қайта ишлаш заводи фаолиятини 2017 йили давлат дастури доирасида бошлаган. Бугунги кунда 8 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланган. Маҳсулотлар Туркистон ва Кентов шаҳарлари савдо нуқталарига жўнатилмоқда.

Кентов шаҳрининг Қорачиқ қишлоқ округидаги «Ашебаев» деҳқон хўжалиги чорвачиликни ривожлантиришга бел боғлаган.

Йилқи ва қорамол боқишни йўлга қўйган хўжалик 2000 йилда ташкил этилган. Уни очган Ербўл Ашебаев оилавий хўжалигини ривожлантириш учун келгусида мол туёғини янада кўпайтиришни режалаштирмоқда.

UFCдаги аср жанги Ёхуд ҲАБИБ ҲАМ ЮТҚАЗАДИМИ?

Сўнги вақтларда касбий боксга нисбатан MMA (аралаш жанг санъати)га қизиқувчилар сони анча ортди. Бунга сабаб UFC (мутлақ жанговар чемпионат)ни шоу даражасига олиб чиққан Конор МакГрегор ва энгил вазнининг энгилмас мутлақ чемпиони Ҳабиб Нурмагомедовлар ўртасида кечган жанг бўлса керак.



UFC мухлисларини 24 октябрь куни яна бир “совға” кутиб турибди. Ҳали бирон марта мағбулият аламини татиб кўрмаган россиялик Ҳабиб Нурмагомедов шу вазнининг вақтинчалик чемпиони америкалик Жастин Гетжигга қарши октагон (аралаш яккакураш ринги)га кўтарилди. UFC президенти Дана Уайт ушбу учрашувни “йил жанги” бўлиши эҳтимол дея тахмин қилмоқда.

UFC жанглирига унча қизиқмайдиган, ундаги жанглари кўп ҳам кўравермайдиган, лекин онда-сонда UFC янгиликларидан бохабар бўлиб турадиган турли ёшдагилар ҳам ҳеч бўлмаса Ҳабиб Нурмагомедовни танишса керак. Унинг бўлажак рақиби ҳақида қисқача маълумот берсак.

31 ёшли Жастин Гетжи шу пайтгача MMAда 24та жанг ўтказиб, 22тасида ғалаба қозongan, 2 марта мағбулиятга учраган, 19та жангни муддатидан аввал нокаут билан якунлаган. Кучли панчер услубидаги зарбасига эга. UFCнинг энг кучли жангчилари рейтингда 7-ўринда туради. Энгил вазнда эса муваққат чемпион. Сўнги жангида америкалик машҳур UFC юлдузи, Ҳабибнинг азалий рақиби Тони Фергюсонга қарши рингга чиқиб, бир сўз билан айтганда рақибини янчиб ташлаган эди. Рақибига 5 раунд давомида биронта ҳам имконият қолдирмаганди.

Ёдингизда бўлса, коронавирус туфайли Ҳабиб ва Тони жанги 5 марта бекор қилинган. Бунга сабаб авиақатновлар тўхтатилган ва Ҳабиб Россияда қолиб кетганлиги туфайли. Шундан сўнг Тони Фергюсонга Жастин Гетжи рақиблик қилганди. Ўша жангда кўпчилик Тонини рақибидан анча устун ва осонгина мағлубиятга учратади, дея тахмин қилишганди. Аслида эса ҳаммаси бошқача бўлди.

Жастин Гетжи рақиби Ҳабиб Нурмагомедовга қарши жанг ҳақида:

Тан олиш керак Ҳабиб партерда кучли, асосан у рақибларини оёғидан чалиб, партерга олишга интилади ва бу билан имкониятини оширади. Бу борада ундан устунроқман. Ҳабибни мағлубиятга учратганимда, унинг миллионлаб мухлислари кўз ёш тўкишни бошлайди. Ўз мухлисларимга ваъда бераман, 24 октябрь куни Ҳабибга ҳақиқий “бош оғриғи” бўламан. Ўйлайманки, 25 дақиқа давом этадиган тўқнашувда рақибим хавф остида қолади. Унинг юзини қонга белейман.

Ҳабиб Нурмагомедов: Шу пайтгача ҳали биронта жангда юзим қонамаган. Ҳатто жиддий зарба ҳам олган эмасман. Баъзида ўйлаб қоламан, ҳеч ким узоқ вақт давомида асл ҳолича қолмайди. Тони Фергюсон ҳам, Ҳабиб ҳам, ҳеч ким. Бир кун келиб, кимдир сени мағлуб этади. 30 – 0 бу ҳақиқий рекорд бўлади. Худди Флойд Мейв-

зор каби. Фақат меники MMAда. Мен бунга яқинман. Агар ғалаба қозонсам фаолиятимдаги 29-ютуғим бўлади.

Доғистонлик жангчи шу пайтгача қадар MMAда 28та жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозongan, 18та жангни муддатидан олдин якунлаган. Конор МакГрегор ва Дасти Пореларга қарши жангда чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилган. UFCдаги энг кучли жангчилар рўйхатида Жон Жонсдан кейин иккинчи ўринда туради. UFCдаги энг кўп тўланадиган гонорар соҳиби.

Энди ушбу жанг оқшоми ҳақида айтиб ўтсам. UFC-254 турнири бугун Дубайдаги жанглор оролида бўлиб ўтади. Илгарилари жанглор одатда бизнинг вақтимизда якшанба куни эрталаб бўлиб ўтарди, бу сафар эса шанба куни 21:00да, асосий жанглор эса 00:00да бошланади. Ундан олдин 5та жанг ўтади. Жанг оқшомида ҳамюртимиз Шавкат Раҳмонов ўзининг UFCдаги илк жангини ўтказди, шунингдек, ўзбекистонлик спортчи Лилия Шокирова ҳам рингга чиқади. У хотин-қизлар энгил вазн тоифасининг 4-рақамли жангчиси Лоурен Мёрфи билан курашади. Мёрфининг аввал белгиланган рақибидан коронавирус аниқлангани боис, UFC Лилия Шокировага шартнома таклиф қилди. Оз фурсат қолсада ўзбекистонлик спортчи жангга розилик билдирди ва жанглор оролига йўл олди.

Ушбу жанг ҳақида кўплаб машҳур спортчилар фикр билдиришди, жумладан, 5 карра олтин тўп соҳиби, амалдаги Европа чемпиони, португалиялик Криштиано Роналду ушбу жангда Ҳабибга мухлислик қилишини инстаграм саҳифасида маълум қилди.

Маълумотларга қараганда UFC томонидан ушбу жангда намойиш ва бонуслардан ташқари Ҳабиб Нурмагомедов 10 млн., Жастин Гетжи эса 6 млн. АҚШ доллари миқдорида гонорар олишади.

Ушбу жангда сиз қайси жангчига мухлислик қиласиз? Албатта, тахминларга кўра Ҳабиб Нурмагомедовга бўлса керак. Аммо ушбу учрашув унинг фаолиятидаги энг оғир жанглардан бири бўлиши мумкин. Буни ҳатто ўзи ҳам таъкидлади. Гетжи ҳам осонликча таслим бўладиганлардан эмас. Буни Тони Фергюсонга қарши ўтказган жангга орқали билишингиз мумкин.

Учрашувдан олдин спортчилар вазн ўлчаш маросими, матбуот анжумани, ва нигоҳлар жангини ўтказишади. Бу ҳам ўзига яраша қизиқарли. Хуллас, ким кучли эканлигига бугун амин бўлаемиз.

Шоҳбоз ИРИСМАТОВ.

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ, САБРЛИ БЎЛИНГ!



Пандемия инсонлар учун қийин синов бўлди. Айниқса, ҳиссиётли, доимо тушкун кайфият ва таъшишларга тез берилувчан одамлар учун катта хатар туғдирмоқда. Карантин ва ўзини-ўзи яқкаш шароитида руҳиятни қандай ҳимоя қилиш керак?

Бундай вазиятларда инсон ўзини-ўзи бошқариши қийин, лекин ўзини идора қилиш ва ижобий фикрлашни ўрганиш жуда муҳимдир. Бу билан одам фақат ўз кайфиятини эмас, балки соғлиғини ҳам яхшилайди ҳамда хавф-хатарни

енгишни ўрганади.

Руҳшунослар шуни маслаҳат беришадики, ахборот манбаларини “элакдан ўтказиб” энг сўнги янгиликларни фақат расмий давлат идораларидан билиб олинг. Ахборот оқимида танаффус қилиш, ижтимоий тармоқларнинг янгиликларидан ўзини чалғитиш, келажакка яхши режалар тузиш ҳақида ўйланг.

Вақтингизни кўпроқ оилангиз билан ўтказинг, қариндошларингиз билан мулоқот қилинг, бадиий китоблар ўқишга вақт ажратинг, севимли фильмларингизни томоша қилинг. Ўзингизга ёққан мусиқани тингланг ва кўтаринки кайфиятда уй ишларини бажаринг. Сабр-қаноатли бўлишга одатланг.

Ўзингиздаги танглик даражасини пасаптириш учун эрталаб энгил жисмоний машқларни бажариш даркор. Бу жисмоний ва руҳий саломатлик учун ўта муҳим.



Яна бир энг фойдали усуллардан бири – кундалик фикрларингиз, тажрибаларингиз, орзу ва мақсадларингизни ёзиб бориш учун вақт ажратинг.

Ижтимоий тармоқлардаги шов-шувларга ишонманг, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга диққатни жамланг.

Руҳшуносларнинг фикрича, инсонларнинг ижобий ҳис-туйғуларига дунё ҳам ижобий жавоб қайтаради. Қачонки, диққатингизни яхши жиҳатга қаратсангизгина, илиқлик, яхшилик вужудингизга сингиб, ҳаёт ҳам сизга шодлик ва хотиржамлик инъом этади.

Холида АҲМЕДОВА,
12-сонли шаҳар
шифоҳонаси
руҳшуноси.

ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛ – СКРИНИНГДАН ЎТИШ

Туркистон вилояти тиббиёт муассасаларида Бутундунё сут беги саратони билан кураш қунига бағишланган “очиқ эшик”лар куни ўтди.

Вилоят клиник касалхонасининг 5-сонли шифохонасида ўтган тадбир доирасида келувчиларга махсус маммолог-шифокорлар маслаҳати ҳамда ультратовушли тадқиқотдан ўтказиш тадбири уюштирилди.

Сут беги саратони – хавфли ўсимта хасталикларининг энг кўп тарқалган тури. Илк босқичда у сезилмайди. Шу боис, скрининг текширувдан ўтиш уни эрта аниқлаб, даволаш имконини беради. Мазкур шифохонада ўтган очиқ эшиклар кунида 54 нафар хотин-қиз текширувдан ўтди.

Кентов шаҳар шифохонасида ҳам сут беги хавфли ўсимтасининг олдини олиш ойлиги доирасида “очиқ эшиклар” куни ўтди. Натижада, икки нафар аёлда хавфли ўсимта аниқланди. Шифохона жорий йил янги маммография ҳамда рентген-аппаратлари билан жиҳозланди. Шифокорлар аҳолини сифатли даволаш имконига эришдилар.

Вилоят клиник шифохонасининг 5-сонли касалхона шифокорлари Туркистон шаҳар марказий касалхонасида ҳамкасблари билан хавфли ўсимтани эрта аниқлаш ҳамда даволаш усуллари билан тажриба алмашдилар.

– Минг афсуски, кучайиб кетган хасталикнинг кўп учрашига сабаб, вақтида тиббий ёрдамга мурожаат қилмаслик, касалликни яшириш, онкология марказида текширилиш ва даволашдан бош тортиш, ноанъанавий даво чораларини қўллаш, – дейди касалхона бош шифокори ўринбосари Марат Ижанов.

Шу боис Туркистон вилоят жамоат соғлиғини сақлаш бошқармаси раҳбарияти назорати остида онкологик хасталикларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида тадбирлар кучайтирилди. Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича хавфли касалликка чалинган 138 нафар бемор рўйхатга олинди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ТЎХТАНГ: ҚУРИЛИШДА “ҚИЗИЛ ЧИЗИК”

Шимкент шаҳрида “қизил чизик” масаласи яна кун тартибига қўйилди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари М. Айманбетов бир нечта озик-овқат ва чакана савдо иншоотларининг тегишли андазаларга мувофиқлигини текширди. У Асқаров кўчасидаги чакана савдо шохобчалари эгалари, шу жумладан, “Марсель” қандолатчилик маҳсулотлари корхонаси соҳиби билан учрашиб, ноқонуний қурилишлар борасида сўз юритди.

Эгаси иншоотни қизил чизик устига қурган.

Темирлан автотўли бўйида жойлашган “Блинчик” қаҳвахонаси эгаси ҳам “қизил чизик”ни босган. Натижада пиёдалар учун ўтиш жойи деярли қолмаган.

Ҳоким ўринбосари инстаграмм орқали

барча ресторан, тамаддиҳона, хусусий бизнес вакилларига мурожаат қилиб, “қизил чизик” ўтган иншоотларни тартибга келтириш орқали тегишли ҳудудни ободонлаштириш, автотураргоҳга айлантириш, умуман мақсадли фойдаланишга чақирди.

Қизил чизик — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун йўл қурилишига ажратилган ер чегарасидан бошлаб белгиланган хавфсизлик нуқтаси.

“Қизил чизик”дан ўтганлар нафақат Шаҳарсозлик кодекси талабларига қарши иш тутишмоқда, балки “кўча ҳақи”га ҳам хиёнат қилишмоқда.

Шимкент шаҳар
ҳокимлигининг матбуот хизмати.

САҲНАДА НЕГА ЮЛДУЗЛАР ЙЎҚ?

1966 йилнинг ёзида Чимкент шаҳри кўчаларини Оренбург оперетта театри афишалари беади. Санъаткорлар «Театр – қишлоқ меҳнаткашларига!» акцияси доирасида Иттифоқ бўйлаб гастролларини бошлаган эди. «Лўлилар барони», Вальс қироли», «Сариқ аждар», «Донья Жуанитта» каби буюк оперетталари номининг ўзиёқ томошабинларни ром қиларди.

Мухлислар театрга гўё оқиб келишар, ҳар оқшом зал одамларга лиқ тўлар, чипта топиш амри маҳол эди.

Шуни таъкидлаш керакки, спектаклларни намойиш этиш даражаси шунчалик юксак бўлишига қарамай, томошабинлар ҳайрон эдилар: халқ артисти Яновицкая нега чиқмапти, М. Глинка номидаги танлов дипломанти Дубов қаерда, театрнинг бош комик актёри Ю. Шнейдеровский ва бошқа юлдузлар саҳнада қачон кўринади? Қани улар?

ларини кўриб юрган Ўзбекистон Республикаси Компартиясининг Биринчи котиби Шароф Рашидов бизни Тошкентга таклиф қилди.

Бу ердаги гастроллар ҳам муваффақиятли ўтди. Ҳар бир спектакль томошабинларнинг гулдурас қарсақлари ва олқишлари билан яқунланар, саҳнага гулдасталар ёғилиб кетарди. Хукумат ложаида эса Ш. Рашидовнинг ўзи, Республика Вазирлар кенгаши Раиси оилалари билан ўтиришарди.

Гастроллар арафасида Ўзбекистон раҳбарининг театр труппаси билан учрашуви бўлиб ўтганди. Ш. Рашидов Саркотиб бўлибгина қолмай, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзолигига номзод, ёзувчи, юксак маданиятли, илмли киши, Ўзбекистоннинг ташқарисида ҳам таниқли сиёсат ва давлат арбоби эди. Санъаткорлар бундай лавозимдаги инсон билан биринчи марта учрашиб тургандилар. – Ишлар қалай? – деб сў-



шаънини маҳкам ушланг, кўришга арийдиган энг яхши артистларингизни юборинг.

Маъмурлар ўзбек тилини Тошкентдаёқ ўрганиб олишган эмасми, «Хўп!» – деб қўл олишиб, хайрлашдилар.

ГУМОНЛАР БЕКОР ЭКАН...

Сайрам Шимкентнинг биқинида жойлашган қишлоқ бўлгани учун колхозчилар театр келишидан аллақачон хабар топган эдилар. Индинига санъаткорлар Сайрамга отланишди. Йўл-йўлакка уларни бир нарса ташвишлантирарди: сизгир

эдик. Сизлар уни еб бўлгунингизча, биз чипта сотамиз. Аввалгисини кўп одамлар кўролмади қолишибди, улар концерт кўйиб беришни сўрашяпти.

– Бунинг ҳеч иложи йўқ! – чўчиб кетишди меҳмонлар. – Бу маън этилган, бизга ҳайфсан беришади.

– Унда, – дейишди хўжалик раҳбарлари, – биз сизларни шаҳарга кетказмаймиз!

Ана, холос! Санъаткорлар мазали Сайрам ошидан, қайноқ сомсасидан, янги узилган нонидан тановул қилиб, хушбўй чойни ичиб бўлгунларича зал яна одамга тўлганди. Яна саҳнада опера қаҳрамонлари «сайради». Томошабинлар олқишидан,

«Яша!», «Балли!», «Барака топ!» – деган хитоблардан Маданият уйи гўмбазига ларзага келди.

Иккинчи концерт алламаҳалгача давом этди. Ҳолдан тойган, аммо натижадан мамнун артистлар ухлашни жуда-жуда хоҳлашарди. Лекин яна улар колхоз катталарига рўбарў бўлишди.

– Сайрамнинг бообрў инсонлари сизлардан тунаб қолишни сўрашяпти. Меҳмонхонадагидан ҳам яхшироқ дам оласизлар. Эртага эса яна томоша кўрсатасизлар. Одамлар илтимос қилишяпти.

– Нималар деясиз?! Бизни осонгина ишдан бўшатиб юборишди, – кўрқиб кетди санъаткорлар.

– Ҳеч нарса бўлмади. Эртага бу масалани директорингиз билан ҳал қиламиз. Шундай қилиб, оренбурглик артистларнинг қадимий, шу билан бирга навқирон, меҳмондўст Сайрам қишлоғида тунашларига тўғри келди. Эрталаб, оқшом келишигандек, колхоз раҳбарлари Чимкентга бориб, Сайрамдаги чиқишлар муддатини чўзиш масаласини ҳал қилиб келишди.

Санъаткорлар учун меҳмондорчилик куни бошланди

Г. Павловская айтганидек, уларни нималар билан сийлашмади дейсиз. Янги соғилган сут, қаймоқ, дастлабки тарвузлар ва узум...

Россиялик меҳмонлар Сайрамда мўъжизавий ўзбек пазандчилигининг барча намуналаридан тотиб кўрдилар. Уларни далаларга, полиз пайкалларига, узумзорларга, боғларга олиб боришди, ферма ва устахоналарни кўрсатишди, шаршарада бўлдилар, қишлоқнинг диққатга сазовор жойларини ва кўҳна ёдгорликларини томоша қилдилар.

ЯНОВИЦКАЯ СИГИР СОҒДИ

Театр юлдузи Яновицкая дугоналари билан сизгир соғиб, бузоқларни эмдиришга уриниб кўришди, палов тайёрлаш ва ўзбек нонини ёпиш сирларини ўрганишди.

Артист Дубов эса механизаторларга ёрдам берди, далада трактор ҳайдади.

Хуллас, меҳмонларни зериктиришмади. Оқшом кириши билан санъаткорлар яна кўшиқлар айтишди, рақсга тушишди, роллар ижро этишди. Оренбурглик артистлар томошабинларнинг илиқ ихлосини қозониш учун бор маҳоратларини ишга солишди. Томошабинлар эса саҳнага қадалиб, гоҳ-гоҳида «Яшанглар!», «Баракалла!», «Браво!» деб олқишлашарди.

Галина Павловна Сайрам ҳақида тўлқинланиб гапирар, кўплаган мезбонларнинг номларини хурмат билан тилга олар(таасуфки, улар ёдимдан кўтарилиб кетибди) эди.

Чимкентда «Сильва» премьераси яқинлашиб қолгани учун артистларни Сайрамдан чақириб олишди. Улар ўзларига қадрдон ва яқин бўлиб қолган қишлоқ ҳамда унинг меҳмондўст одамлари билан зўрға хайрлашди.

САЙРАМЛИКЛАР – ОРЕНБУРГДА

Бир йилдан сўнг колхоз делегацияси Оренбургда бўлди. Меҳмон кутиш навбати театрга келди. Санъаткорлар сайрамликларни темир йўл вокзалида қучоқ очиб кутиб олишди, уларига чақириб, бор топган-тутганини дастурхонга тўкишди. Кечқурун эса уларни театр кутаётган эди...

Борди-келди бироз вақт давом этди.

Сўнг, кекса санъаткорлар дунёдан ўтиб, айримлари бошқа жойларга алмашиб кетгач, алоқалар узилди. Бироқ театр, унинг истеъдодли артистлари, ўша пайтдаги миллионер колхоз раҳбарлари, меҳмондўст сайрамликлар ҳақидаги эзгу хотиралар сақланиб қолди.

Ажойиб инсон, жонқуяр ва оқил раҳбар Шароф Рашидовнинг хизматлари эса барчанинг қалбига муҳрланди, зеро, айнан у туфайли Тошкент, Чимкент ва Сайрамга гастроллар уюштирилган эди.

Мана, ҳикоям тугади, у ўтган кунлар акс-садоси сингари эзгу хотирага айланди.

**Ренгольд ТЕЙХРЕВ,
Тўлебий туман
немис этномаданият
бирлашмаси аъзоси.**

**МАЪНАВИЯТ
УЛУҒЛАНГАН
ЙИЛЛАР ЭДИ...**

УЛАР ҚАЕРДА?...

Улар... бу пайтда Сайрамда меҳмонда эдилар. Бу анча кейин, 80-йилларда маълум бўлди. Бишкекдан поездга ўтирганимда кексароқ бир аёл менга ҳамроҳ бўлиб қолди. Мен ундан исми-шарифини, қаёққа кетаётганини сўрадим.

– Мен Галина Павловская бўламан, – деб таништирди у ўзини. – Оренбург оперетта театрининг адабиёт бўлими мудирасиман. У ҳақда эшитганмисиз?

Эшитиш ҳам гапми! Нафақат эшитганим, шу билан бирга 1966 йилда Шимкентдаги гастроллар пайтида кўплаб спектаклларини томоша қилганимни гапириб беришимга тўғри келди.

– Ажойиб бўлганди! – дедим ҳисларимни яширолмай.

Галина Павловнанинг чеҳраси очилиб кетди:

– Ҳа, гастроль деб шуни айтса бўлади! Лекин сиз ҳаммасини билмасангиз керак?

Шундай дея, Галина Павловна куйида мен сизларга айтиб берадиган, кўпларнинг ёдидан чиқиб кетган ҳикоясини бошлади.

**ШАРОФ РАШИДОВ
ТОШКЕНТГА
ТАКЛИФ ЭТГАН ЭКАН**

– 1960 йилда театрнинг Москвадаги гастроллари бошланди ва шаҳардаги барча театрларни доғда қолдирди. Мисли кўрилмаган муваффақиятдан сўнг труппани Москвага чақириб олишса ҳам бўларди, аммо оқоридагилар тескарисини қилишди. Ўша пайтдан бошлаб театрга тазийқ ўткази бошлашди, Москва, Ленинград ва бошқа йирик шаҳарларга гастроллар тақиқлаб қўйилди. Яшаш қийин бўлиб қолди. Ана ўшанда театр спектакл-

ради Рашидов.

Театр юлдузи Яновицкая Москвадаги гастроллардан сўнг аҳвол қийин бўлиб қолганини, Тошкентдан сўнг қаерга боришларини ҳам билмасликларини айтиб берди.

«Кўҳна ва навқирон Сайрамни ҳам эсдан чиқарманг!»


– Ҳечқиси йўқ, – деди Рашидов бир кўзини қисиб. – Биз бу масалани, албатта, ҳал этамиз. Яхшиси, кўшни Чимкентга боришларини, у ерда сизларни жуда яхши кутиб олишади. Шунингдек, – таъкид билан кўшимча қилди у, – кўҳна ва навқирон Сайрамни ҳам эсдан чиқарманг. У ерда, албатта, спектакль кўйинглар. Келишдикми?

Тошкентда гастроллар давом этаётган бир пайтда маъмурлар Чимкентни ўрганишаётган, театр биносини, турадиган жойларни ижарага олиш ҳақида келишишаётган эди. Кейин эса Рашидовга берган ваъдалари эсига тушиб, Сайрамга, Ленин номли миллионер колхоз идорасига бош суқишди.

– Бизга Маданият уйининг залини ижарага берсангиз, Сайрамда оперетта концертини кўймоқчимиз. Ҳа, айтганча, чипта сотиш учун кассир ҳам ажратсангиз.

Таклифни диққат билан тинглаган раис(афсуски исми-шарифи ёдда қолмаган) шундай жавоб берди:

– Хўп, концерт бермоқчимисизлар, марҳамат! Ижара ҳақи бизга ортиқчалик қилмайди. Кассир борасида ҳам муаммо бўлмайди, биз уни берамиз. Аммо, биласизми, биз муттаҳам ва кўзбўямачилардан роса безор бўлганмиз. Уларни кўриш учун берган пулимизга эмас, зое кетган қимматли вақтимизга ачинамиз. Шунинг учун сизлардан илтимос қиламиз: давлат театри



соғувчилар, механизаторлар, деҳқонлар қандай қабул қилишаркин, жанрни тушунишармикин, рус тилини-чи?

Гумонлар бекор экан. Артистлар олисданоқ томошабинлар билан тўсилган кўчани кўришди. Маданият уйининг олдида ўтишнинг ўзи амри маҳол эди. Чипталарнинг бари сотилган, бироқ залга бир амаллаб киришни хоҳловчилар кўп бўлиб, улар ҳатто артистларга пул таклиф қилишарди. Улар пулни олишмади. Лекин ўша оқшом залда одам шундай тикилинч бўлдикки, игна ташланса ерга тушмасди. Томошабинларнинг аксарияти ўз курсиларини олиб келишган, баъзилар ерга чордона қуришган, бошқалар деворга суяниб ёки йўлакларда тик туришарди. Маъмурлар, ваъдалашилганидек, Сайрамга энг яхши санъаткорларини юборишди. Муваффақият Москва ва Тошкентдагидан ҳам зиёда бўлди. Артистларни саҳнага қайта-қайта чақириб, концерт одатдагидан анча узоққа чўзилиб кетди.

Санъаткорлар фақат бир нарсани ўйлашарди – тезроқ парда туширилсаю, уйга қайтишса, ухлашга ётишса. Бироқ кетиб улгурмасидан колхоз раиси, парторг ва касаба уюшма қўмитаси раиси йўлини тўсиб чиқишди.

**СИЗЛАР ҲАЛИ
ШОШИЛМАНЛАР...**

– Сизлар ҳали шошилманлар, илтимос! Боя, концерт кетаётган пайтда биз энгилгина кечки овқат тайёрлатиб қўйган

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти жамоаси масъул котиба Шаҳноза Усмоновага падари бузруквор
Эргаш УСМОНОВ-нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Улуғбек номли умумий ўрта мактаб директори
Саидикром БАДРИДИНОВ-нинг бевақт оламдан ўтганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила-аъзолари ва ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

● Акс-садо



Қозоғистон Республикаси Президенти Қ. Тўқаевнинг 2020 йилнинг 1 сентябрида халққа йўллаган “Янги вазиятдаги Қозоғистон: ҳаракатлар даври” Мақтубида ўткир фикрлар, долзарб масалалар, пандемиядан кейин мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга йўналтирилган вазифалар бисёр. Уларнинг барчаси халқнинг дилидан чиққан, ҳамюртларимиз сиёсий ҳужжатда кўтарилган масалаларни қўллаб-қувватламоқда.

Президент ўз сўзида: “Ҳозирги мураккаб даврда олдимизда турган

МАКТУБ – ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА, ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎЛЛАНМА

асосий вазифа – ижтимоий-иқтисодий барқарорликни, иш ўринларини ва аҳолининг даромадини сақлаб қолиш”, кераклигини алоҳида таъкидлади.

Мақтубда фуқароларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ижтимоий фаровонликка эришишига ҳамда аҳолига иш ўрни берадиган, бюджетга даромад келтирадиган ишлаб чиқаришга йўналтирилган бизнесни ривожлантириш дастаклари айtilди. Йилнинг муҳим ҳужжатида ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Сабоби пандемия оқибатида элимизда кўп муаммолар юзага келди, уни ҳал этиш осон эмас. Масалаларни юксак даражада ҳал қилиш учун стратегик режалар ва ислохотлар агентлигини ташкил қилиш топширилди. Президент эътибор қаратаётган масалаларни ижобий ҳал қилиш юксак масъулият ва меҳнат талаб қилади.

Мақтубда Президент таълим беришнинг онлайн дастурини тезкорлик билан ишлаб чиқиш вазифасини юкледи. Албатта, келажагимиз бўлган ёш-

ларнинг пухта илм эгаллашлари барчамизни бирдек ўйлантириши лозим.

Давлат раҳбари Мақтубида қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилган. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан, рақобатбардош иқтисодиёт куриш мумкин эмас. Соҳада ечимини топмаётган масалалар бор. Чунинчи, одамларнинг ер ололмаслиги, узоқ муддатга бериладиган кам фоизли насиянинг йўқлиги, малакали мутахассислар етишмаслиги. Маҳсулдорликни ошириш зарур, хомашё етказиб бериш билан чекланиб қолмаслик учун омборлар куриш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чораларини кўриш керак”, дейилади Мақтубда.

Мухтасар қилиб айтганда, Мақтубни ҳаётга йўлланма, тараққиётга қўлланма, ташаббуслар мажмуаси, дейишга тўлиқ асос бор. Ундаги вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши – юрт фаровонлигининг гаровидир.

Зуппархон ЧОЛДОНОВ,
Туркистон вилоят
маслаҳати депутати.



ЭЛ ОЛҚИШИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жорий йил 14 сентябрда 412-сонли Фармонида биноан коронавирус инфекциясининг олдини олишда кўрсатган фидойи меҳнати учун ватандошларимизга “Халық алғысы” медали жорий этилган эди.

Шу муносабат билан Туркистон вилоятида фавқулудда ҳолат жорий этилгандан буён аҳоли хавфсизлигини таъминлашда ўз ҳаётини хавф остига қўйганларга ушбу медаль топширилди.

Улар қаторида ҳамкасбимиз Мухтабар Усмонова ҳам бор.

Тасвирда: Ҳамкасбимиз вилоят ҳоқими муовини С. Қалқаманов билан.

ТАҲРИРИЯТ.

● Буюк Ғалабага – 75 йил

Мукофот муборак, қадрли фахрийлар!



Туркистон шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Жарқинбек Қулбайимбетов тавсияси ва Дадахон Жалилов сазъ-ҳаракатлари билан Эргаш Иззатуллаев номли мактаб мажлислар залида ўтган тантанали тадбирда шаҳарнинг Бирлик мавзесидаги фахрийларга «Улуғ Ватан урушидаги Ғалабага 75 йил» медали топширилди.

Туркистондан уруш йиллари фронтга жами 18546 нафар киши сафарбар этилган, ҳозир шулардан бир қанчасигина ҳаёт. Фронт ортида, далаларда, корхоналарда оғир меҳнат асосан, аёллар, болалар, ўсмирлар зиммасига тушган. Уруш йилларида фронтга меҳнати билан ҳисса қўшган фахрийларга Россия Президенти В. Путиннинг 2019 йил 13 июндаги Фармони асосида таъсис этилган мукофотга, Туркистон вилояти муҳофаа ишлари департаменти раҳбари Н. Дуйсебаев тавсия қилган Алимбой Искандаров, Комила Абдужабборовва, Раҳима Ризаева, Достон Маннопов, Анвара Қудратова, Саидакбар Муҳиддинов, Акиштой

Исоқов, Файбулла Шерметов, Ибодулла Абдуллаев, Хайриш Эргешова, Маҳфуза Саидакбарова, Меҳринисо Искандарова, Мукаррам Абубакирова, Шермат Латипов, Октябрияна Ҳамидова, Бектош Султонов, Мурод Исмаатуллаев, Солибой Сафоев, Саван Солиевалардан иборат рўйхат тасдиқлангунча анча вақт ўтиб, фахрийларнинг ярми вафот этди.

Мукофотланганларни Туркистон шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши аъзолари Дадахон Жалилов, Ҳабибулла Аширбоев, ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тойир Абдувалиев, фахрий устоз Мақсуд Иззатуллаевлар муборакбод этиб, кексаларни қадрлаш, меҳр-оқибат, меҳнатга эътиқод бобида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Нуриддин Қудратов урушдан қолган ёдгорлик – колхоз раислари қарор чиқарган пайтда сиёҳдон турган оқ мраммарни мактаб музейига топширди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

Э. Иззатуллаев номли мактаб ҳовлисида спортнинг баскетбол, волейбол, кичик футбол, қўл тўпи, теннис ва яна бошқа турлари бўйича исталган миқдорда ва исталган вақтда (спорт майдони кучли прожекторлар билан ёритилади) мусобақа машғулотларини ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Мактаб ҳовлисида умумий саҳни 450 квадрат метрни ташкил этадиган спорт майдони фойдаланишга топширилди. Эндликда мактабда спорт ривожланади.

Таъкидлаш жоиз, стол тенниси бўйича битирувчи Диёра Отаметова спорт усталигига номзод унвонига сазовор бўлиб, ҳозир Шимкентдаги олий ўқув юртида спорт ва жисмоний тарбия факультетини таҳсил олмақда. Мактаб ди-

МАКТАБДА ЗАМОНАВИЙ ОЧИҚ СПОРТ МАЙДОНИ



ректори Муҳаммадрасул Иззатуллаев, ўринбосари Шуҳрат Абдурашидов, хўжалик ишлари бўлими мудири Абдуали Абдуалиев, унинг ўринбосари Аваз Абдураимовлар мазкур очиқ ўйингоҳнинг аф-

залликлари, давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликлар учун вилоят, давлат раҳбарларига миннатдорчилик билдиришди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

● Обуна – 2021

ҚОРАЧИҚ ҚИШЛОҚ ҲОКИМЛИГИДА



Қорачиқ қишлоқ округи ҳокимлигида ўтган йиғилиш «Жанубий Қозоғистон»га 2021 йилнинг биринчи ярми обунасини ташкил этишга бағишланди.

Ҳоким Н. Аханов обунани ташкил этиш ҳақида тақлифларини айтди, давлатимиз

ҳар ойда бюджет соҳаси – мактаб, шифохона, боғча каби ташкилотларга ҳамда нафақадор минглаб қарияларга маош ва нафақаларини ўз вақтида тўлаб, йилма-йил ошириб бормоқда. Шукрона айтиб, қаноат қилишимиз керак. Қишлоқ почта бўли-

ми мудири Мурат Қасимов ноябрь ҳамда декабрь ойларида давлатдан нафақа ва тўловлар оладиган оила соҳибларини почта орқали обунана фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбир иштирокчилари – фаол обуначиларимиз Мирзахон Адҳамов, Бобожон Муютов, Аҳмаджон Аҳмедов, Музаффар Умаров, Илҳом Айтметов, қишлоқ почта бўлими мудири Мурат Қасимовларни қишлоқ ҳокими Нуржан Ахановлар(тасвирда)га миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг сафи келажакда албатта кенгайишига ишонамиз. Сабаби, аҳоли сони ўсмоқда, аммо обуна адади эса илгаригидек. Таҳририят қадрли муштарийларимизга соғлиқ, омонлик тилайди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

Директор–Бош муҳаррир учун — Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САҲДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй,
4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан
2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 10270 нусха.

*“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма:
2814.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.